

ОҒЗАКИ НУТҚ ВА ГРАММАТИК, КҮНИКМALARНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мустаева Гулдора Салоҳиддиновна,
Тошкент давлат транспорт университети

Курбонова Мухабат Мамаджановна,
Тошкент давлат транспорт университети

Ғунча Мамажанова,
Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация

Мақолада оғзаки нутқ ва уни шакллантириш методикаси ва уссоллари, бу бўйича мутахассислар томонидан келтирилган манбаалар асосида кенг тахлил қилинган.

Таянч сўзлар: Оғзаки нутқ, грамматика, нутқни ривожлантириш, усул, метод.

Оғзаки нутқ кўникмалари ва грамматик: кўникмаларни шакллантириш концепциясини Е.И.Пассов ишлаб чиққан. Унинг таълимотига биноан лексик кўникмаларнинг шаклланиши уч босқичда амалга ошади. Биринчи босқичда лексик кўникма дастлабки лексик кўникмалар шакллантирилади; иккинчи босқичда такомилашади; учинчи босқичда эса кўникмаларнинг нутқ жараёнида қўлланилиши кўзда тугилади. Фикримизча, лексик кўникмаларнинг ҳосил бўла бошлиши ва уларнинг такомиллашуви ўртасидан демаркация ўтказиш анча мушкул иш, зеро лексик кўникмаларнинг ҳосил, бўла бошлиши ва такомиллашуви уларнинг шаклланишидан ўзга нарса эмас. Мунозарали масала фақат шу билан чекланмайди. Грамматиками ўргатиш борасида сўз юритган Е.И. Пассов кўникмалар шаклланшининг илк босқичида бир типдаги грамматик белгиларнииг ишлатилишини назарда тутади ва уларни нуқий машқларда бошқаларига қиёслашни ўқтирма. Такомиллашига босқичида эса, грамматик белгилар асоси оғзаки нутқ, учун мулжалланган матшхар негизида тузилган иугқий машқлардаги бошқа грамматик белгиларга қиёсланади Е.И.Пассов концепциясидаги учинчи босқич эса грамматиката умуман таълуқди бўлмасдан, муаммоли масалалари очини қамрайди. Бу муаммолар ечишп жараёни. ўрганилаётган белгиларининг нугқда қўлланилиш масалалар ечишини ҳам тақозо этади. Лексика бобида гай кетадиган бўлса, бундай босқичларни ўзаро бир-бирларидан ажратшни амалга ошириш ниҳоятда кийин. Биринчидан, янги лексика микдори олдин ўтилган лексик материал микдори билан меъёрлашуви керак, чунки биринчи босқичдан иккинчи босқични ажратиш учун янги сўзларнинг ишлатилиш кўлами билан олдинги лексик материалнинг ўртасидаги чегарани топиш қийин.

Методик адабиётда лексик кўникма масалалари илк бор Е.И.Пассов томонидан ўрганилган. Унинг фикрича лексикани ўргатиш, фонетика ва грамматиками ўргатиш каби, керакли сўзларни танлаш ва "малакавий харак-теристикалар" даражасида уларни бошқа сўзлар билан алоқага киритиб жумла тузишни кўзда тутади. Бошқа ишларда лексик кўникма тушунчасига маҳсус таъриф берилмаса, унинг мавжудлиги ва босқичма-босқич шаклланиши эътироф этилади. Лексик кўникмаларни шакллантириш босқичларини ўрганиш дастлаб И. В. Раҳмонов томонидан таклиф қилинган "англаш-ёдда тутиш-мулоқотда қўллаш" босқичлар тизимида ўз

аксини топди. Шубҳасиз ўрганиш хаётга лексикани ҳар бир ўқувчи англаши, содда тутиши ва мулоқотда қўллаши зарур. Лекин бундай босқичларга ажратиш айрим эътиrozни келтириб чиқаради: жумладан, бу узундан узун жараён ва у янги сўзларни ишлатишга йўналгирилган машқларни бажариш пайтида ҳам давом этади; лексикани сақлаш ўрганишни уни нутқ жараёнида қўллашдан ажратиб бўлмайди, зеро лексикани ёдлашда, унинг алоҳида турлари инобатга олинмаса, асосан нутқда фойдаланиш орқали амалга оширилди. АЗ. Якушина томонидан ишлаб чиқилган лексик қўйикмаларни шакллантириш тамойили ҳам уч босқични ўз ичига олади: сўзларни муайян тематик гурухлар ичida хотирлашни, улардан кичик-кичик нутқ вазиятларида фойдаланишни ва, ниҳоят, канча коммуникатив жараёнларда уларни қўллашни кўзда тутади.. Масалан, сўзларни гурухдаш бўйича машқдар фақатгина якка ажратилган сўзлар орқали машқ қилишни кўзда тутади ва лексик қўйикма шаклланишининг бутун бир босқичи бўла олмайди. Якка сўзлар билан ишлашнинг муҳим ва зарурлигини тан олганимиз ҳолда, бу босқичда лексикани ўзлаштириш бошланади деб тасаввур қилиш қийин. Сўзнинг канча ва кичик контекстларда қўлланишининг фаркланишига келсак, фикримизча, бу ҳолатда сўз қўллаш қўйикмаларини шакллантиришни аниқдайдиган физик жараёнлар бевосита намоён бўлмайди. Бироқ аналогия (бир грамматик форма ни бошқа бирига монанд ўзгартириш), трансформация (грамматик конструкциями бир турдан иккинчисига бош маъносини сақлаган қолда ўтказиш) ва шу кабилар грамматикани ўргатишда асосий тушунчалар ва уларнинг тугридан-тугри лексикани ўргатиш соҳасига кўчирилиши, бизнинг фикримизча, ўзини оқламайди. Лексик қўни қўймаларнинг шакллантириш масаласи С.Ф.Шатилов диққатга сазовор фикрлар билдирган . У ишлаб чиқсан концепция асосида ҳам Л.Б.Ительсон таълимотидаги асосий ғоялар ётади: яъни тил аспектларини ўрганишда ўқувчиларда қўйикма ва малакалар хосил бўлишининг уч босқичи кўрсатилади. Аммо, Л.Б.Ительсондан фарқли ўлароқ, С.Ф.Шатилов бу уч босқичга қўйидагиларни киритади: 1) нутқ, бирликлари билан ўқувчиларни таништириш; 2) ўқувчиларни нутқ бирликлари қўлланиладиган вазият билан таништириш; 3) нутқ бирликлари ситуатив-вариатив қўринишларини ўқувчиларга "ҳазм" қилдириш.

Хулоса сифатида таъкидлашимиз мумкинки, бугунги ахборот оқимининг қучли бир даврда талабаларга инглиз тилини содда ва равон тушунарли тарзда етказиашда юқоридаги методик қонунининятларни қўллаш дарс ўтиш сифатини яхшилашда ҳамда талабаларнинг тилни тез ўрганишида муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

References

1. Xutorskoy A.V. The concept of distance education <http://www.eidos.ru>
2. Bernard, M. (1998). "Penser la mise à distance en formation". In Apprendre à
3. distance, Seres, M. (dir.). Le Monde de L'Education, hors-série, rr 88-90. <http://www.u-paris2.fr/distance formation / textes.htm>. Consulted in November 2000
4. Z. Le Grand Robert de la langue française. V. III: Couv-Ento, Paris, 1991
5. <http://www.eidos.ru/pedsovet/index.htm>
6. <http://alsic.u-strasbg.FR/Num6/foucher/defaut.htm>
7. EXPERIMENTAL DETERMINATION OF FORCES THROUGH MEASUREMENTS OF STRAINS IN THE SIDE FRAME OF THE BOGIE.//Transport Problems: an International Scientific Journal, 2021

8. Formation of the freight trains with a fixed train schedule // E3S Web of Conferences, 2021
9. ON COGNITIVE MECHANISM OF FORMATION OF THE IMAGE OF A SPONTANEOUS COMPARISON (ON A MATERIAL OF THE FRENCH LANGUAGE)// Иностранные языки в Узбекистане, 2018
10. Репрезентация денотатов существительного homme в позиции ядра сравнения// Вестник Московского государственного областного ..., 2018
11. TYPOLOGY OF ACTUALIZATION OF NOUN DENOTATS IN SPONTANEOUS FIGURATIVE COMPARISONS (on the example of femme and homme nouns)
12. Nekotorye aspekty vzaimootnosheniy prirody, cheloveka i soshchestva vo vzglyadax Abu Ali Ibn Sina i Abu Rayhan Beruni.// Theoretical & Applied Science, 2015.№10.S.127-129
13. Theoretical and ideological sources of Beruni's philosophical views// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary, 2020. No. 11. S. 1974-1980
14. Vklad Abu Raykhana Beruni v razvitiie filosofii Blijnego, Srednego Vostoka i mirovoy nauki//Problemy nauki, 2019.№12.S.65-66.
15. Basic spiritual and moral education of young people and work Abu Raykhana Beruni // Problemy nauki, 2019. №4(40).S.56-57.